

Литература

1. Ломакина Т., и др. Педагогические технологии в профессиональных учебных заведениях. – М.: 2008. – С. 288.
2. Организационное поведение. – М.: 2006. – С.432.
3. Зиямухаммедов Б., и др. Основы педагогического мастерства и методология практической реализации региональной модели педагогической технологии. – Т.: 2010. – С. 180.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик қасбий компетентликка мослаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари махсус тузилган дастур ва психограммалар орқали психолог-педагог нуктаи назаридан қўриб чиқилган. Шу билан бирга психограмма, профессиограмма ва профессиографиянинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда педагог фаолиятида тутган ўрни масалалари ҳам имкон даражасида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье с психолого – педагогических точек зрения рассматриваются особенности компетентного подхода в профессиональной подготовке педагога, изучаются особенности составления программы и психограммы педагога. А также роль в освещенной деятельности педагога, а также особые свойства, психограмма, профессиограмма и профессиография.

SUMMARY

In this article the properties of teacher adaptation to their professional competency by special made programs and pycogramsms have been observed from psycho-pedagogical point of view. In addition, the properties of pycogramm, professiogramm and professiograph and their role in teachers' activities have been written.

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Г.Ш.Файзуллаева - катта илмий ходим-изланувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: интеллектуал салоҳият, таълимда узвийлик, узлуксизлик, педагогик асос, психологик жараён, характер, тарбия, методик, дидактик, илмий, адабий таҳлил.

Ключевые слова: интеллектуальные способности, последовательность в обучении, непрерывность, педагогические основы, психологический процесс, характер, воспитание, методика, дидактика, наука, литературный анализ

Key words: intellectual abilities, consistency in teaching, continuity, educational grounds, psychological process, character, education, methodology, didactics, science, literary analysis

Интеллектуал тафаккурнинг шаклланиши, етук шахснинг ривожланиш жараёни – унда факат алоҳида сифатларнинг таркиб топишидангина иборат эмас. Бу жараён ақлий, жисмоний, ахлоқий ҳамда илмий дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Узлуксиз таълимда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришнинг ўзига хос механизмлари мавжуд. Булардан бири алоҳида ташкил этилган таълим муҳити сифатида тақлиф қилинган бўлса (В.С.Ильин, В.В.Зайцев, Н.К.Сергеев), иккинчиси, бугунги кунда дунё микёсида ўқувчи шахсини ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришнинг инсонпарварликка асосланган кўп параметрли концепциялари сифатида илгари сурилмоқда (В.И.Слободчиков, В.А.Петровский).

Иккинчи йўналишдаги асосий жиҳат шуки, педагогик-психологик тадқиқотлардаги аксарият ёндашувлар шахсни ўз-ўзини ривожлантиришига, яъни шахсга йўналтирилган таълим муаммосига қаратилганлигидир (Д.А.Леонтев, А.Маслоу, О.С.Гребенюк, Б.Матюнин, С.Л.Рубинштейн, А.М.Матюшкин; Узбекистонда Ж.Ф.Иўлдошев, Р.Ф.Сафарова, Э.Сейитхалилов, Б.Р.Адилов, Р.Ахлиддинов, У.Мусаев, Ш.Қурбонов). Бундай тадқиқотларда таъкидланишича, шахс ақлий тараққиётининг муайян босқичларида унга тизимли тарзда педагогик таъсир кўрсатиш лозим. Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш борасида бир қатор ёндашувлар мавжудлигига қарамадан, ҳамон долзарб педагогик муаммо сифатида ўз ечимини кутмоқда. Маълумки, айнан таълим жараёнида ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш имконияти вужудга келади. Таълим жараёнида ташкил этиш, таълим воситаларини аниқлаш, уларни такомиллаштириш йўлларида белгилаб бериш, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, шахснинг интеллектуал тараққиёти фаолиятининг янги турларига асос бўлиши каби муаммолар бир қатор педагог ва психологлар томонидан тадқиқ этилган.

Педагогика соҳасида ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий шакли таълим муҳитидаги тарбиядир. Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги адабий категорияларидан бири бўлмиш тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий қадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтирилиб келинади. Шахснинг ривожланиши ва шаклланишига таъсир нуктаи назаридан тарбия – доимо мақсадга йўналтирилган бўлиб, биринчи навбатда, аниқ мақсадга қаратилган жамиятнинг фаолиятидир. Бунда жамият ўзида мавжуд бўлган барча имконият ҳамда воситалардан фойдаланади. Ҳозирда замон муаммоларини ҳал этиш учун билимнинг ўзи етарли эмаслиги, бугун тарбия муассасаларида шакллантириладиган шахслар воқеликка ижодий назар билан қарай билиши, қушқонлардан ташқарида фикрлай олиши муҳимлиги, ҳулласки, тарбияланувчиларда кучли

шахслик сифатларининг ҳосил қилиниши янги педагогик фикр учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир [2].

Тарбия ўқувчининг табиатида бўлмаган фазилатларни шакллантиришга ёки бор бўлган айрим кераксиз сифатларни йукотишга қаратилган фаолият экан, ўқувчи шахсиятига дахлдор барча жиҳатларни кўзда тутгандагина, олдида қўйган мақсадга эриша олади. Бугунги кун педагогикаси бола табиатини, маънавиятини шакллантиришда тарбия тутган бекиёс ўринини тан олган ҳолда, тарбия бу борада барча муаммоларни ҳал қилади деган даъводан ҳақли равишда тийилади. Чунки тарбия қандай методологияга таянганлигидан, қандай метод ва усуллардан фойдаланганлигидан қатъий назар одам шахсини шакллантириш жараёнининг барча қирраларини қамраб ола билмайди.

Психология соҳасида эса, ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш узок ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган кўп қиррали ва кенг қамровли тушунча сифатида қаралади. Бунда характер, инсоннинг индивидуал-иродавий хусусиятлари ва бошқа бир қанча психологик жараёнларни шакллантириш муҳим ҳисобланган. Ҳозирги даврда қайси бир соҳани таҳлил қилиб қарамайлик, унинг юксалишини инсонлар характерининг янги қирраларини шакллантирмасдан, асло тасаввур қилиб бўлмайди [1]. Шунингдек, характер иродавий ҳаракатлар билан уйғунлаштирилган ҳолда изоҳланади. Характер инсоннинг ижтимоий-тарихий ривожланиши, унинг фаолиятининг ижтимоий хусусияти билан узвий боғлиқлигида олиб қаралади.

Шарқ уйғониш даврининг қомусий олимлари характер ва инсоннинг индивидуал хусусиятлари муаммосини ҳамкорлик нуктаи назаридан ўрганганлар. Улар устоз-шогирд, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини ўрганишда характер хусусиятлари ва қизиқиш ҳамда интилишнинг ролига аҳамият беришган. XX асрнинг атоқли маърифатпарварлари ўқитувчининг шахсий фазилатлари, ахлоқи, одоби, билимдонлиги, тийрақлиги, фаросатлиги, ақл-заковати шахснинг қамолоти негизи эканлигини таъкидлаб, характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини ҳамкорлик омили деб ўқитиб ўтганлар. Ҳозирда ўқувчиларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш муаммолари ижтимоий-психологик, умр давлари, педагогик-психологик жабҳаларга асосланган ҳолда тадқиқ этилмоқда. Бироқ психология инсонни ақлий-интеллектуал жиҳатдан мукаммаллаштиришнинг турли замонавий, ноанъанавий усул ва методларини тақдим этишда ўзбек халқ оғзаки ижоди, миллий ва диний қадриятларимиз акс этган ноёб манбалар, буюк аждодларимиз таълимотида инсон шахси ва характерининг ижобий сифатларини ривожлантириш масалаларининг ҳал этилганлигини ўрганишни ушбу муаммонинг асосий ечимларидан бири сифатида талқин этади. Демак, факатгина психологик ёндашув шахснинг интеллектуал

салоҳиятини ривожлантиришнинг ягона манбаи бўла олмайд.

Интеллектуал салоҳиятли деганда, маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак мураккаб турлари билан шўғулланувчи шахсни [3] тушунар эканмиз, бу борада умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида узлуксиз ўқитиладиган адабиёт фани ҳам педагогик, ҳам психологик жараёнларни ўзида мужассамлаштирган, тўлақонли соҳа сифатида намоён бўлади. Чунки адабиёт дарсларини ўқитишда олиб бориладиган адабий таҳлиллар ўқувчига интеллектуал салоҳиятнинг турли қирраларини бадий асар мазмун ва ғояси кўринишида сингдириб боради. Бу педагогик жараён ўқувчи мактабга келган кунданок “Алифбе”, “Ўқиш”, “Одобнома”, кейинчалик “Адабиёт” фанлари доирасида ташкил этилади. Бундай узлуксиз олиб бориладиган адабий таълимда бадий асар таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусда “ўқувчига ўрганиш учун тақдим этилган бадий асарлар таҳлилга тортилмас экан, улар ҳеч қандай дидактик самара бермайди...” дея таъкидлайди п.ф.д.Қ.Хусанбоева [4]. Адабий таҳлилни илк натижаси бу – ўқувчини фикрлашга ўргатишдир. Фикрлаш эса, ақлий фаолиятнинг асосий шакллари билан бири ҳисобланади.

Таълимнинг турли босқичларида интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш оддий ақлий фаолият турларидан мураккабга қараб шакллантирилгани сингари адабий таълим беришда ҳам, ўқувчининг ёши индивидуал хусусияти эътиборга олинган, мазмунан содда кичик матнлардан бошлаб, кейинчалик адабий турнинг турфа хил жанрларини тақдим этиш орқали йирик ҳажмли, кенг қамровли, салмоқдор бадий асарлар таҳлиliga ўтилади. Кўзланган натижага эришиш учун адабиёт ўқитишнинг горизонтал ҳамда вертикал узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, адабий таҳлилда эса илмий, методик, дидактик таҳлилларни уйғунлаштириш лозим. Чунки илмий таҳлил адабиёт дарсликларидан келтирилган қатор илмий-назарий мақолаларни мазмун-моҳиятига кўра таҳлил қилиш, дарслик материалларини ўрганишда кўшимча манбаларга мурожаат қилиниши имконини берса, методик таҳлил адабиёт пердмети ва айни мавзуга қизиқишни ўрганиш билан бирга ўқувчиларнинг адабий-эстетик қарашлари, образли тафаккурини янада ривожлантириш имконини яратди. Дидактик таҳлил эса ўқувчиларни қўйилган масалани ўрганишга тайёрлайди, дарслик ва дарслик мажмуалардаги бадий, илмий ва илмий-методик матнлар устида ишлашга, адабий – назарий тушунчаларни амалда қўллаш ҳамда ўзлари бажарган мустақил ишлардан тўғри хулосалар чиқаришга ўргатади.

Адабий таълим жараёнида қуйидаги талабаларни бажариш педагогик ва психологик жараёнларни бирлаштириш ҳамда тўғри йўналтиришга, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, билимини мустаҳкамлаш ва бадий савиясини юксалтиришга ёрдам беради:

- бошланғич синф “Ўқиш” дарслариданок адабий таҳлилни турли усул ҳамда воситалари кўмагида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, бу жараённи таълимнинг кейинги босқичларида узвий давом эттириш ва мукамаллаштириб бориш;

- ўқувчиларда ақлий-интеллектуал сифатларни шакллантириш, таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

- ўрганилаётган мавзу мазмунининг онгли равишда тўла ўзлаштирилишига эришиш ва ўқувчиларнинг билим ва тушунчаларини мустаҳкамлаб бориш;

- бадий асарларнинг адабий-назарий тушунчалар воситасида илмий, методик, дидактик жиҳатдан тўғри таҳлил қилиниши ва ижтимоий ҳаёт муаммолари билан узвий боғланишига эътибор қаратиш;

- адабиёт дарсларида бадий сўзнинг образлилик хусусиятини очиш ва адабий ҳодисаларнинг тўб моҳиятини ўрганишда адабий таълим муаммоларини мантикий кетма-кетликда, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида хал этиш;

Адабиётлар

1. Искендеров Ж.С. Педагогика ўқувчиларида характернинг интеллектуал иродавий хусусиятларини шакллантириш. ном.дисс. -Т.: 2009, 27-б.
2. Йўлдошев К.Б. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. п.ф.д.дисс. -Т.: 1996.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 216-б.
4. Хусанбоева Қ. Таҳлил – адабиётни англаш йўли. -Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2013.

Ушбу мақолада ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда педагогика, психология, адабиёт соҳаларининг ўрни, адабиёт дарслари орқали ўқувчиларда ақлий-интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг аҳамияти, бу жараёнда адабий таълимни узвий

- ўқувчиларнинг дарсга онгли ва фаол муносабатда бўлишларини ҳамда ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;

- янги ўтиладиган мавзунинг олдинги мавзу билан узвий ва узлуксиз боғлиқлигини босқичлараро таъминлаб бориш;

- адабиёт дарсларида ўқитишнинг энг фаол ва самарали методларидан фойдаланиш орқали бадий адабиёт ва ижодни англаш билан бир пайтда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини узлуксиз ривожлантиришга эришиш назарда тутилади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга таълимни технологик ёндашув асосида ташкил этиш орқали эришилади. Адабий таълим самарадорлигини оширишда, энг аввало, ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳамда унинг таълим жараёнига ёндашуви муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда адабиёт ўқитувчиларининг педагогик маҳорати даражаси ҳар бир дарс ҳамда ўрганилаётган мавзунинг ўқувчиларга етказиб беришга нисбатан ижодий, технологик ёндашув билан бирга узвий ва узлуксиз ёндашуви ҳам талаб қилади.

Қуйида айрим ақлий-ахлоқий тушунчаларнинг босқичма-босқич шакллантирилиб борилишида аҳамиятли бўлган дарсликлардаги бадий асарлардан намуналар келтирамиз. Масалан, 3-синф “Ўқиш китоби” дарслигида (Умарова М. ва б. Ўқиш китоби. 3-синф учун дарслик. Т.: Ўзбекистон, 2012 й.) “Ҳалоллик” (Ўзбек халқ эртаги. Ушбу эртақда деҳқон образининг тўғрисиқлиги, ҳалоллигини ўқитиш орқали тушунтириш), “Чумоли ва тирпикан” (Х.Х.Ниёзий. Бу эртақ воситасида ўқувчиларда ижобий ва салбий қаҳрамонга бўлган муносабатларини ифодалашга ўргатиб бориш) каби асарлар ўқувчиларга тўғрисиқ бўлиш, ҳалол яшаш, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик ҳақидаги илк тушунчаларни содда тилда баён этса, 4-синф “Ўқиш китоби”да (Матчонов С. ва б. Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик. Т., 2011 й.) келтирилган “Чумчуқ билан чумоли” (Азиз Абдураззоқ. Ҳикоя таҳлили асосида дангасаликнинг оқибати-ю, меҳнатсеварликнинг саодатини ёритиш), “Олти юз сўм” (Носир Фозилов. Ушбу бадий асар воситасида ўқувчи характердаги ҳислатлардан бири виждон эканлигини тушунтириш) номли ҳикояларини дарсда таҳлил қилиш давомида бадий сўзнинг таъсир кучини туйиш билан бирга ҳалоллик, тўғрилиқ каби ижобий ҳислатлар ўқувчи онгида чуқурлаштирилиб, андишалилик, масъулиятлилик, меҳнатсеварлик сингари ахлоқий тушунчалар шакллантирилади.

Бошланғич таълимнинг илк босқичлариданок содда бадий матнлар асосида сингдирилиши бошланган ақлий-интеллектуал тушунчалар умумий ўрта таълимга келиб, ёш ва индивидуал хусусиятларига мос равишда сюжет қўлами кенг бадий асарлар ҳамда асар ҳақидаги илмий-оммабоп мақолалар замирида акс эта бошлайди. Масалан, биз оддийгина мисол тариқасида келтираётган ҳалоллик, тўғрилиқ тушунчалари 5-синф “Адабиёт” дарслигида “Уч оғанини ботирлар” (Ўзбек халқ эртаги), “Булбул” (Ҳанс Кристиан Андерсен, эртақ), “Фанорчи оғи” (Ойбек, ҳикоя), “Дунёнинг ишлари” (Ҳ.Ҳошимов, қисса), “Ҳайрат ул-аброр” (А.Навоий, дoston) каби бадий асарлар орқали давом эттирилса, 6-синф “Адабиёт” дарслигидаги “Шум бола” (Ғ.Ғулум, қисса), “Сариқ девни миниб” (Х.Тўхтабоев, роман), “Махбуб ул-қуллуб” (А.Навоий), Муса Жалил шеърляти, “Нақлия сўзлар” (Абай) асарларини ўқувчига ўргатиш орқали янада мукамаллаштирилиб ёритилиб борилади. 7-синфда “Равшан” дostonи, 8-синфда “Қутадғу билиг” дostonи (Юсуф Хос Ҳожиб), 9-синфда “Алпомиш” дostonида ҳалоллик ва тўғрилиқ тушунчаларининг ўзига хос тарздаги бадий қоришмаси педагогик-психологик жиҳатдан ҳам гавдалантирилганининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса шуки, бадий адабиёт ўқувчини интеллектуал шахс қилиб тайёрлашнинг таълимий-тарбиявий, бадий-эстетик, психологик-педагогик жабҳаларини ҳам ўзида қамраб олувчи ва тўла намоён этувчи соҳадир.

РЕЗЮМЕ

ва узлуксиз ташкил этиш муҳимлиги ёритилган. Бу хил ёндашув натижасида адабий таълимда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қўйилган талаблар келтирилган ва улар адабиёт дарслари таҳлили билан далилланган.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье освещены место таких наук как педагогика, психология, литература в развитии интеллектуальных способностей учащихся, значение формирования у учащихся умственно-интеллектуальных способностей посредством уроков литературы, организация в этом процессе последовательного и непрерывного литературного обучения. В результате такого подхода приведены требования предъявляемые к способности развития у учащихся интеллектуальных способностей и подтверждено анализом литературных уроков.

SUMMARY

The place of the such sciences as pedagogics, psychology, literature in pupils' intellectual abilities development, importance of pupils mentally-intellectual abilities forming by means of lessons of literature, organization of consecutive and continuous literary teaching in this process are elucidated in this article. As the result of this approach the requirements towards development abilities of pupils' intellectual abilities are given and confirmed by analysis of literary lessons.

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАСОФАВИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ВЕБИНАР ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

А.Ибраймов – *мустақил тадқиқотчи*

Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: масофавий малака ошириш, физика, вебинар, вебинарнинг асосий имкониятлари, ташкил этиш босқичлари, амалиётга жорий этилиши.

Ключевые слова: дистанционные курсы повышения квалификации, физика, вебинар, основные возможности вебинаров, этапы организации, внедрение в практику.

Key words: distance training courses of improving qualification, physics, webinar, webinar's basic possibilities, stages of organization, implementation in practice.

Ҳозирги кунда масофавий малака ошириш жараёни замон талаблари асосида такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш учун ўқитишнинг инновацион усулларида, яъни интернет орқали масофавий малака оширишда веб-технологиялардан кенгрок фойдаланиш зарурийати туғилмоқда. Шундай технологиялардан бири вебинар ҳисобланади.

Вебинар – махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда интернет орқали тингловчилар билан интерфаол ўқув машғулотларини ўтказиш шаклидир. Вебинар термини инглизча “webinar” сўзидан олинган бўлиб, тармоқ орқали семинар маъносини билдиради [1:3].

Бунда ўқитувчи ва тингловчи бир биридан маълум бир узокликда жойлашган ҳолда интернетга уланган компьютер орқали ўқитиш, ўрганиш бўйича биргаликда фаолият юритади. Вебинарда тингловчилар ва ўқитувчи турли хил давлат, шахар, туманларда жойлашганлигига қарамай нафақат бир бирини кўради, эшитади, бир бири билан савол жавоб қилиши, ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

Ўқитувчи вебинар орқали машғулот ўтказиш вақтида матнли хужжатлар, турли хил мультимедияли воситалар асосида тақдимот қилиши ва унинг виртуал доскасига семинар мавзусига оид турли хил ёзувлар ёзиш ва расмлар чизиб кўрсата олиши яъни анъанавий шаклда электрон доскада иш юритгандек фаолият олиб бориши мумкин.

Вебинарнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1980 йиллар охирида биринчи матнларни ёзиш орқали маълумотлар алмашиш тизимлари яратилган (масалан, Internet Relay Chat). 1990 йилларда янада такомиллаштирилган веб-чатлар, бир вақтда кўпчилик билан матнли ёзувлар алмашиш дастурлари яратилган. Кейинчалик эса бу тажрибалар асосида интернет орқали амалга оширилаётган турли хил видео алоқа воситалари ва вебинар (webinar) ўтказиш дастурлари ишлаб чиқиладиган бўлди.

“webinar” термини савдо белгиси АКШдаги бир нечта IT-компаниялари асосчиси Эрик Р.Корб (Eric.R.Korb) томонидан 1998 йили руйхатдан ўтказилган, лекин ҳозирги кунда мазкур термин InterCall компаниясига тегишли. Вебинарларни ташкил этувчи дастурий таъминот нафақат тармоқ орқали семинарлар, балки маъруза ўтказиш имконини ҳам беради [2:2].

Вебинар иштирокчиларининг сони бир нечта одамдан бир нечта минг иштирокчигача бўлиши мумкин. Иштирокчилар сони дастурий таъминот имкониятларига ҳамда вебинардан руйхатдан ўтиш шартларига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда ўтказилган вебинарлардан иштирокчиларининг сони энг кўп бўлган онлайн бизнес-семинарда иштирокчилар сони 12012 нафарни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич жаҳон рекорди сифатида эътироф этилган ва Геннисс рекордлар китобига киритилган.

Вебинарни ташкил этиш учун қуйидаги асосий учта босқичга эътибор қаратиш лозим [2:5].

1) Техник таъминот, 2) Вебинарни ўтказиш учун тайёргарлик,

3. Вебинарни ўтказиш

Техник таъминот - вебинарни сифатли ўтказиш учун ўқитувчи ва тингловчиларда қуйидаги техник таъминот бўлиши зарур.

1) Микрофон, 2) Наушник, 3) Веб-камера, 4) Компьютер, 5) Камида 2

Мбит/сек тезликка эга бўлган интернет.

Вебинарни ўтказиш учун тайёргарлик - вебинарни ўтказиш ўқитувчидан юқори даражадаги тайёргарликни, шунингдек, “педагогик, психологик, эргономик ва бошқа нуктаи назардан пухта ва обдон ўйланган ишланмалар ишлаб чиқишни” талаб этади. Биз бу тайёргарликнинг асосийси ҳисобланган техник ва педагогик таркибини ажратамиз.

Вебинардан аввалги техник тайёргарлик - алоқа каналларини, овоз ва видео сифатини, дастурий маҳсулотнинг барча асбоб-ускуналари ишлашини текширишга қаратилган. Техник тайёргарликнинг вазифаси вебинар давомида ўрганиш сифатини пасайишига ва тингловчиларда хизмат кўрсатишга бўлган салбий муносабат шаклланишига олиб келувчи муаммоларга йўл қўймаслик.

Вебинарнинг педагогик тайёргарлиги – унинг мақсад ва вазифаларини белгилашдан иборат. Бу – “таълимнинг режалаштирилган натижаларини умумлашган баёни, яъни, тингловчи таълим якунида эгаллаши керак бўлган билимлар, кўникмалар, малакалар, операциялар, ижтимоий ҳуқуқатвор усуллари тўплами...”ни [4:13] мазмунини ишлаб чиқиш; вебинарларнинг дастурий таъминоти йўриқномасидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва таълимни ташкил қилишнинг мазкур инновацион шаклига хос бўлган психологик-педагогик хусусиятларини иноватга олган ҳолда уларни баён қилинаётган масалалар мазмунига кириштириш ўз ичига олади.

Вебинар ўтказиш методикаси интернет-муҳитнинг ўзига хосликларини иноватга олган ҳолда юзма-юз маърузалар ва семинарлар ўтказиш методикасидан бир мунча фарқ қилади [2:8].

Сифатли вебинар ўтказиш учун қуйидаги каби юқори даражадаги талаблар қўйилади:

- ахборотни аудиторияга содда, мантикий, тушунарли тарзда етказиш;
- вебинар олиб борувчининг ташкилотчилик қобилиятлари;
- интерфаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш кўникмалари;
- ахборотни максимал даражада тўлиқ баён қилиш малакаси билан бир вақтда вебинар ўтказишнинг юқори суръати;
- аудитория диққатини жамлаб туриш маҳорати.

Юқоридаги каби талаб, қоидаларга таянган ҳолда ҳозирги кунда А.Авлоний номидаги халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (Марказий институт) томонидан раҳбар ва педагог кадрлар учун www.avloniymtk.uz, www.masofa.uz ўқув порталларида ташкил этилаётган масофавий малака ошириш курслари ўқув жараёнида вебинар ўтказиш йўлга қўйилди. Вебинар ўтказишда дунёда кенг фойдаланилаётган дастурий таъминотлардан бири OpenMeetings платформасидан фойдаланилди.

Вебинарни ўтказиш учун марказий институт томонидан белгиланган модератор томонидан вебинар мавзуси, ўтказиладиган куни ва соати белгиланади ҳамда иштирокчилар руйхатдан ўтказилади. Вебинарда республикамизнинг барча ҳудудидан масофавий малака ошириш курслари тингловчи-